

## Хоразмлик биринчилар

*“Хоразмликлар Искандар эрасининг 980-йиллардан тарих оладилар”*

Абу Райхон ал Беруний.

\* Сиёвуш Хоразмнинг биринчи подшоҳи эди. Хоразм шоҳлар давлати Владимир (Киев) князлигига ўз элчиларини жўнатган ва ислом динини ёйиш, тинчлик ва ҳамкорликда яшаш масалалари бўйича фикр алмашганлар.

\* Орол IX асргача Хоразм денгизи (Баҳри Хоразм) деб юритилган. 1572 йилдан бери у Амударё сувлари билан тўлдирилган. Орол фожеаси “Сариқамиш -86” экспедицияси томонидан ошкор этилган ва 1993 йилга келиб Ўзбекистон Россия, Қозоғистон Республикалари ўртасида Оролни кутқариш шартномаси имзоланган. Эндиликда Орол икки қисмга бўлиниб Оролқўл, “Оролқум” деган географик атамалар пайдо бўлмоқда.

\* Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий (1809-1874) Ўзбекистонда биринчи таржимонлик мактаби яратган улуғ тарихчи олим, буюк шоир ва мироб эди.

Унинг бевосита раҳбарлигида Хивада 120 асар таржима этилган. Шундан 19 асар Огаҳий томонидан форсийдан ўзбек тилига кўчирилган. Улар “Қобуснома”, “Гулистон”, “Ҳафт пайкар”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Шоҳу-гадо” ва бошқалардир.

Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Хива тарихчиси Мунис йилнома ёзишга киришган ва бу ишни Огаҳий, Баёнийлар давом эттирганлар.

\* Хоразмнинг дунё тамаддунида тугган ўрнини биринчи марта исботлаб берган олим С.П.Толстов (1907-1976) бўлди. Унинг “Древний Хорезм” асари 1948 йилда давлат мукофотига тақдим этилган. Олимнинг шогирди Яҳё Фуломов илк бора “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” (1959) номли китобини ёзган. академик олимнинг А.Сотлиқов, М.Матниёзов, М.Маҳмудов каби пешқадам шогирдлари бугун эл хизматида туришибди.

\* Марказий Осиёда биринчи “Арфа чалаётган аёл” расми 1938 йилда Тупроққалъадан топилди. Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги устози хоразмлик Абу Хайр Ҳаммор эди. “Тиб қонунлари” асари Хоразм Маъмун академиясида ёзилган.

\* Хива хонлари архивини илк бора тадқиқ этган, тартибга келтирган ва бир қисмини Санкт-Петербургга жўнатган шарқшунос олим Александр Кун (1840-1888) эди. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат кутубхонасида “Туркистон альбоми”, “Туркистон тўпламлари” сақланмоқда. Хива хонлари архиви бўйича докторлик диссертацияси ёқлаган олим (1959 й) Муҳаммаджон Йўлдошев бўлади.

\* Жаҳон тамаддуни илм-фанида “Хоразмийлар ёзуви”, “Хоразмийлар тили”, “Хоразм мақомлари”, “Хоразм тарихи”, “Хоразм Маъмун академияси” каби атамалар унинг ўзига хос ва ўзига мос цивилизация марказларидан бири эканлигининг исботидир. Хоразмийлар тилини биринчилардан бўлиб тадқиқ этган олимлар А.Фрейман, Ф.Абдуллаев, О.Мадраҳимов, С.Исҳоқов, З.Дўсимовлар бўлган. Туркий тилда асарлар ёзишни бошлаганлар: Сулаймон Боқирғоний, Н.Рабғузий, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Мунис Хоразмий, Аваз Ўтар ва бошқалардир.

\* Воҳада биринчи рус-тузем мактаби 1884 йилда Петро-Александровский (ҳозирги Тўрткул) шаҳрида очилди.

\* 1905 йилда Урганч шаҳрида Рус-Осиё банкининг Хоразм бўлими очилди. Банк икки қаватли мустақкам бинога жойлаштирилди. У воҳанинг Хива, Хонқа, Манғит, Кўҳна Урганч, Хўжазли, Ҳазорасп туманларидаги пахта-мой, кўнчилик завод,



фабрикалари қурилишига кредит бериб савдо-саноат тараққиётига муайян таъсир кўрсатди.

\* 1922 йилда Хивада педагог кадрлар тайёрлаш техникуми, 1935 йилда Урганчда Бухоро педагогика институтининг филиали ўқитувчилар тайёрлаш институти очилди ва у 1944 йилда мустақил педагогика институтига айлантирилди.

\* 1925 йилда Хивада хотин-қизлар педтехникуми очилди, унда бор-йўғи 10 хотин-қиз ўқир эди. 1935-1944 ўқув йилларида 400 педагог кадрлар тайёрлаб чиқарилди. 1904-1925 йилларда очилган мактаб, мадраса ва билим юртлирида татар, турк, озарбайжон миллатига мансуб кишилар ўқитувчилик қилган бўлсалар, кейинчалик Ғани Отажонов, Матёқуб Ражабов, Саодат Салимова, Хусайн Исмоилов, Хусайн Афанди, Комила Қушаева, Махмуд Исмоилов каби маҳаллий ёшлар вилоятнинг биринчи ўқитувчилари эдилар.

\* Орол денгизини 1847 йилдан илмий ўрганишни бошлаган олим Обручев, капитан Бутаков, оддий аскар, украин халқининг буюк шоири Т.Шевченко бўлди. Денгизда “Константин” ва “Николай-1” номли елканли кемалар сузди. Боскинчилар 1848-1853 йилларда Сирдарё бўйида Райим, Амударё соҳилида Мўйнак қалъа истехкомлари куриб Хоразм ва Қўқон хонликлари томон силжий бошладилар. Кейинчалик “Арал”, “Сирдарё”, “Самарканд”, “Тошкент”, “Царицина” каби кемалар Амударё флотилияси таркибига ўтказилди.

\* 1874-1953 йилларда Амударё кемачилиги Орол денгизидан Урганч, Чоржўй, Термизгача қатнайдиган бўлди. Чоржўй-Қўнғирот темир йўли қурилганидан сўнг кемачилик ўз фаолиятини тўхтатди.

\* Чоржўй-Урганч-Қўнғирот темир йўл қурилиши 1947 йил 15 августда ҳашар йўли билан бошланиб, 1952 йил декабрда тугалланди.

\* Вилоятдан етишиб чиққан биринчи физика-математика фанлари доктори, академик Азимбой Саъдуллаев, тарих фанлари

доктори М.Маҳмудов Р.Жуманиёзов, тиббиёт фанлари доктори Б.Бобожонов, Х.Оллаёров, Б. Дўсчоновлар бўлди.

\* Хоразмга биринчи автомобиль 1927 йилда келтирилган. Уни рус йигити О.Шамаков бошқарган.

\* Биринчи аэроплан 1923 йилда Хива яқинидаги Гандимён аэропортига кўндирилган. Урганч аэропорти 1930 йилда қурилган ва 1969 йилда замонавий турба реактив самолётларни қабул қилган. 2001 йилда халқаро мақомга эга бўлди.

\* XX асрнинг 30- йилларигача хотин-қизлар орасидан етишиб чиққан рақосалар маълум эмасди. Йигитлар аёллар либосини кийиб рақсга тушар эди. Аёлларни рақсга ўргатган биринчи устоз Тамарахоним ва унинг синглиси Гавҳархоним Раҳимова бўлди. Унинг дастлабки шогирдлари Сорахон Оллаберганова, Робия Отажонова, Римажон Маткаримова, кейинчалик Зоя Гаффорова, Гавҳар Матёқубова каби етук устоз рақосалар етишиб чиқди.

\* Хоразмдан етишиб чиққан биринчи рассом аёл Лола Абдуллаева эди. У Огаҳий номли вилоят театрида салкам 50 йил хизмат қилган.

\* Урганчлик Ёркиной Сафоева (1976-1994) жаҳон болалар кўрғазмасида қатнашиб Ҳиндистоннинг “Шанкар” номли мукофоти билан тақдирланди.

\* 1920 йил 1 февралда Хива хони тахтдан ағдарилди ва тўрткўллик Султонмурод Жуманиёзов Хоразмнинг биринчи ҳокими этиб тайинланди. 1924 йил октябрь ойида Хоразм Ўзбекистон республикаси таркибига округ тарзида киритилди. С.Жуманиёзов 1927 йилда хоинларча қатл этилди. Унинг Германияда ўқиб турган қизи Марям Султонмуродова 1937 йилда “халқ душмани” сифатида Сибирга сургун этилди.

\* 1924 йилда Хоразмга Амударё орқали “Фарзон” маркали ер ҳайдаш трактори келтирилди. Уни Хива туманининг Эски Қиёт (Огаҳий) қишлоғида яшовчи Солай Маткаримов бошқарди. Кейинчалик бу қишлоқда машина-трактор станцияси (МТС) иш



бошлади. “НАТИ”, “СТЗ”, “ОТЗУН”, “С-80”, “УНИВЕРСАЛ”, “БЕЛОРУС” маркали тракторларни Кутум Абдиезов, Жобберган Абдуёзов, Бобожон Отажонов, Раҳим Худойбергеновлар бошқаришни ўргандилар.

\* 1927 йилда воҳада биринчи бўлиб Мавлон бобо элатида (Хива, Эски Қиёт) пахтачилик илмий текшириш станцияси ташкил этилди. Унда П.А.Яхтенвельд раҳбарлигида М.А.Лисенко, Ф.И. Климов, Б.С. Белова каби олимлар маҳаллий ёшларга “Америка” навли пахта экишни ўргатдилар.

\* Хоразмдан етишиб чиққан биринчи тарихчи олим, фан номзоди янгибозорлик Каримберган Юсупов (1913-1950) бўлди. У 1950 йилда САГУ (ҳозирги Улугбек номи миллий университетда) Абулғозий Баҳодирхон мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган ва соғлиги ёмонлашиб Симферопол шаҳрида вафот этган. Бу ҳақда “Чўболончи қишлоғи” номи рисолада тўлиқ маълумот келтирилади.

\* Аёллар орасида биринчи бўлиб Мунаввара Солаева филология фанлари номзоди деган илмий даражага мушарраф бўлган.

\* 1951 йил апрель ойида Тошкентда колхозчи- деҳқонлар орасида биринчи шахмат-шашка спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда кўшкўпирлик Ким Алексей “Ўзбекистон чемпиони” деган шарафли унвонга эга бўлди.

\* 1959 йилда Тахятўш гидроэлектростанциясида ишлаб чиқарилган электр энергияси Урганчга етиб келди ва саноат корхоналари, аҳоли уй-жойлари узлуксиз электр таъминотига эга бўлди.

\* 1962-63 йилларда воҳада биринчи бўлиб хивалик Юсуф Тошпўлатов ва ҳазораспик Нурмат Собировлар ўз уйларида жамоат кутубхонаси очдилар.

\* “Хоразм ҳақиқати” (“Инқилоб қуёши”) газетасининг 1-сони 1920 йил 8 мартдан чиқа бошлаган. Шундан сўнг “Бўл тайёр”, “Чиғирик”, “Тошсоқа канали”, “Темир йўл” каби тармоқ

газеталари чиққан. Эндиликда вилоятда 29 номда газеталар чоп этилмоқда. 1962 йил 31 декабрда Хоразм телевидениеси мунтазам ўз кўрсатувларини бошлаган. Унинг биринчи раҳбари Али Холматов, муҳаррири Қодир Матчонов, суҳандони Нуқулжон Иноятова эдилар. Эндиликда вилоятда “ТВ-8”, “Иқбол” каби хусусий телестудиялар фаолият кўрсатмоқдалар.

\* Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Хоразм бўлими 1934 йил июнда тузилган. Унинг биринчи раҳбари этиб Раҳмат Мажидий сайланди. “Қилич” номли биринчи роман ёзган киши Матёқуб Абдуллаев эди.

\* 1978 йил январь ойидан бошлаб Ўрта Осиёда энг йирик Хива гиламчилик комбинати йилига 2,5 миллион квадрат метрлик нақшиндор маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Эндиликда “Хива гиламлар”и оламга машхур.

\* 1969-1979 йилларда Ўрта Осиёда энг йирик Туямўйин сув омбори қурилди. Бу ерда чуқурлиги 20 метр, сигими 7,8 млн. кв. метрлик катта сув захиралари тўпланиб Хоразм, Қорақалпоғистон ва Туркменистоннинг Тошховуз вилоятларини оқар сув билан узлуксиз таъминлайдиган бўлди. Туямўйин сув омбори яқинида Питнак (Дўстлик) шаҳри бунёд этилди. 1983 йил 23 октябрда қуввати 25 минг киловатт келадиган гидроэлектростанция иш бошлади.

\* Воҳада биринчи одимлаб юрувчи (шагаюший) экскаваторни Мадийёр Қиличев, 12 тонна юк тортадиган Краз автомобилини Аҳмад Бекжонов бошқарган. Туямўйин сув омборига биринчи ғиштни қўйган ирригатор Юсуф Шержонов бўлди.

\* Хоразмда ўтказилган биринчи оммавий ҳашар 1939 йилда Тошсоқа каналини қозишда, иккинчи катта ҳашар 1947 йил август, сентябрь ойида Чоржўй-Урганч-Кўнғирот темир йўл дамбасини кўтаришда ўтказилди. Унда ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқ вакилларидан 70 минг киши қатнашган.



\* 1937 йилда Париж (Франция) да ўтказилган жаҳон санъат кўргазмасида хивалик Ота Полвонов ясаган ўймакорлик асарлари “Олтин медаль” билан тақдирланган.

\* Хоразмдан чиққан биринчи гармончи ҳофиз Сафо Муғанний бўлиб унинг грампластинкага ёзиб олинган овозининг асл нусхалари Ўзбекистон Санъат музейида сақланмоқда. С. Муғанний 1937 йилда халқ душмани деган тухмат билан қамоққа олинган ва отиб ташланган.

\* Урганч туманининг Юқори Дўрман қишлоғида туғилиб ўсган оддий ўзбек қизи Раҳима (Римажон) Худойберганова нафақат Ўзбекистонда, балки бутун мамалакатда аёллар орасидан чиққан биринчи раҳбар эди. Олий Кенгаш депутати вазифаларида меҳнат қилди. Унинг раҳбарлигида 1983-1992 йилларда 2 та фабрика, 30 та мактаб, Амударё устига фантон кўприги қурилди, “Наврўз” Ршаҳарчаси бунёд этилди.

\* Гурланлик Пошшахон Маҳмудова 1939-40 йилларда Хоразм ижроия кўмитаси раиси, 1941-1946 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши раиси ўринбосари, республика эвакуация комиссиясининг раиси вазифаларида ишлаган.

\* Рўза Иброҳимова ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб, иккинчи жаҳон урушига кўнгилли сифатида жўнаган. Унга эргашиб 146 хоразмлик хотин-қизлар урушга кетганлар. Рўза алоқа хизмати ва шифохоналарда ишлаб “Қизил юлдуз” ордени билан тақдирланган.

\* Депутат халқ хизматкори деган шарафли номни биринчи мартаба амалда ишотлаган киши 1983 йил 6 июлда 472-сонли Хонқа сайлов округидан Ўзбекистон Олий кенгаши депутатлигига сайланган республика молия Вазир Ислон Каримов бўлди. Унинг шахсий ташаббуси билан узок йиллар қурилиши тугалланмай келаётган “Хонқа дон” комбинати, “Ун заводи”, “Шоли хорози” ишга туширилди. Дехқон бозори қайта қурилди. Ҳамид Олимжон мактаби, Хонқа обод посёлкаси ишга туширилди. Тумандаги Ал-Хоразмий номли давлат хўжалиги ва Хива шаҳрида аллома хотирасига бағишланган маҳобатли ҳайкал-

ёдгорлик ўрнатилди. Халқ ишончи олий бахт деган тушунча шу бўлса керакки, И.А.Каримов собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб Президентлик бошқарувини йўлга қўйди. 1991 йил 30 декабрда муқобил сайлов йўли билан И.А.Каримов Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди.

\* 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон этди. Хоразм республикада биринчи бўлиб сийсий бошқарувнинг ҳокимлик тизимига ўтди ва унинг биринчи ҳокими этиб 1992 йил 23 январда 1938 йилда туғилган Хонқа ва Урганч туманларида ишлаб тажриба ортирган Маркс Жуманиёзов тайинланди.

\* Хорижликлар билан ҳамкорликда ишга туширилган илк саноат корхоналари Питнак шакар заводи, “Турлантестиль” комбинати, “Мерседес бенц” автомобиль ишлаб чиқариш заводи ва бошқалар бўлди.

\* Боғот тумани Боғот қишлоқ фермерлар уюшмасининг раиси Машариф Қувоқов 1997 йилда мамлакатда биринчилар қаторида “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига муяссар бўлди. Қишлоқдаги маданият саройи, мемориал музей ва ҳайкал унинг ўчмас номини улуғлаб турибди.

\* 1991 йил 25 сентябрь куни Хонқа туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида республикада биринчи бўлиб улуғ шоир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган 20 гектарлик боғ ва уй-музей очилди. Истиқлол йилларида вилоятда йигирмадан ортиқ боғ ва уй-музейлар ташкил этилди. “Хоразм темир йўл”, “Урганч шароб”, “Урганч-мой”, “Буюк ипак йўли”, “Авесто”, “Олтин мерос” музейлари шулар жумласидандир.

\* 1992 йил 15 мартда Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори билан Хоразм педагогика институти Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университетига айлантирилди. Эндиликда бу илм даргоҳида 500 дан зиёд фан номзодлари, профессор-устозлар хизмат қилмоқдалар 3 минг талаба 18 йўналиш бўйича таълим олмоқда.



\* Кўхна Хоразм қалъаларини ўрганишда кўрсатган фидойилиги учун қорақалпоқ олими Ғайриддин Хўжаниёзов “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

\* “Хоразм мусиқа хати” Хоразм тамбур чизиги (нотаси)ни яратган шахс, шоир ва бастакор Комил Хоразмийдир. У киши 1883-1892 йилларда Санкт-Петербург, Москва, Тошкент шаҳарларига сафар қилиб Хоразмнинг ўзига хос нотасини кашф этган. Мусиқашунос олимлар Матниёз Юсупов, Отаназар Матёкубовлар Хоразм мақомлари номли йирик асарлар яратиб халқимизнинг минг йиллик буюк маданияти меросини сақлаб қолишга эришдилар.

\* Ўзбек миллий мусиқа маданияти ва халқ тароналарини чет элларда тарғиб этган биринчи ҳофиз Комилжон Отаниёзов эди. У Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти унвонига, “Буюк хизматлари учун” орденига сазовор бўлган.

\* 1991-2011 йилларда воҳанинг шаҳар ва қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгарди. Қадимий шаҳарлар ва алломаларнинг юбилей тўйлари кенг нишонланди. Шу жумладан, 1997 йил 20 октябрда Хива шаҳрига асос солинганлигининг 2500 йиллиги нишонланди. Урганч -Хива оралигида троллейбус қатнови йўлга қўйилди.

\* 1999 йил 5 ноябрда ўзбек халқининг миллий қаҳрамони Жалолоддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Урганч шаҳрида маҳобатли ҳайкал ўрнатилди.

\* 2001 йил 2 ноябрда “Авесто” китоби ёзилганлигининг 2700 йиллигига бағишланган боғ мажмуаси, 18 метрлик ёдгорлик ўрнатилди ва юбилей тантаналари нишонланди.

\* 2006 йил 2 ноябрда Хоразм Маъмун академиясининг 100 йиллигига бағишланган юбилей ўтказилди.

\* 2007 йил 17 декабрда Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий ҳайкали ва 40 метрлик соат минораси тантанали равишда очилди.

\* 2011-2012 йилларда вилоят маркази Урганч шаҳрида 9-10 қаватли турар жой бинолари қурилмоқда. Сайёҳликни ривожлантириш давлат дастури имзоланди.

*Азиз ўқувчи! Сиз ўқиб тугатган ҳикматлар тўпламини жусурёнлик марҳум шоира Сўнабегим (София Иброҳимовна Собирова) қаламига мансуб тўртлик билан якунлаймиз:*

*Ҳақиқат ҳолингни ёмон қилгуси,  
Ҳақиқат рангингни сомон қилгуси,  
Аммо у энг озир бўлса ҳам дур,  
Тан олгин у сени ИНСОН қилгуси....*